



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 4 август, № 152 (5067)

Чоршанба

БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН

ЭЪТИБОР, ҒАМХЎРЛИК ВА БАРКАМОЛЛИК

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ташкил этилган мактаб бозорлари ҳаммага манзур бўлмоқда.


Ўртада Президентимиз раҳнамолигида ёшларнинг иқтидор ва истеъдодини юзага чиқариш мақсадида уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётди. Бинобарин, "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида ҳам малакали кадрларни тайёрлаш билан бир қаторда, уларни ватанпарварлик, миллий ва умумбашарий қадриятларга эҳтиром руҳида тарбиялаш, илгор дунёқарашга эга, мустақил фикрловчи баркамол инсонларни вояга етказиш вазифалари белгилаб берилган.

2010 йил — Баркамол авлод йили

Яна санокли кунлардан сўнг мамлакатимиздаги барча таълим масканларида янги ўқув йили бошланади. Айни кунларда эса ўқувчи-ёшлар ота-оналари, яқинлари билан биргаликда машғуллотлар учун зарур жиҳозлар, ўқув қуроллари, мактаб формалари харид қилишга ошиқишмоқда.

Табиики, бу борада ҳам сифатли, ҳам замон андозаларига мос маҳсулотлар ва буюмларга талаб юқори бўлади. Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 12 июлдаги "2010 — 2011 ўқув йилига тайёргарлик кўриш учун мактаб бозорлари ва ярмаркалари ўтказишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, республикаимизнинг барча шаҳар ва туманлари марказларида, шунингдек, мактаблар, академик лицей ҳамда касб-хунар коллежларида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган мактаб товарлари ва ўқувчилар формалари сотиладиган ярмаркалар ташкил этилмоқда.

(Давоми 4-бетда).



Бахтиёр АҚРАМОВ олган сурат.

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар,
янгиликлар,
хабарлар

Ҳамкорлик қўламини кенгайтириш

ТОШКЕНТ. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида давлат бошқаруви ахборот технологияларини жорий этиш соҳасидаги илгор тажрибани ўрганиш ҳамда икки томонлама ҳамкорлик истикболларига бағишланган Ўзбекистон — Жанубий Корея семинари бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан Корея Республикасининг билимлар ва иқтисодиёт вазирлиги, Ахборот технологияларини ривожлантириш миллий агентлиги (NIPA) ҳамда Жаҳон банки қўмағида ташкил этилди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ходимлари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

Инвестиция шарофати

АНДИЖОН. Пахтаобод туманида ёғочни қайта ишлаш, ёғоч ҳамда алюминий эшик ва ромлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Резонанс" масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.

Йилига 4500 та эшик ва ром тайёрлаш қувватига эга бўлган ушбу корхонани зарур анжомлар билан жиҳозлаш учун Халқ банки томонидан 70 миллион ҳамда корхонанинг ўз маблағлари ҳисобидан 55 миллион сўм миқдорда сармоя киритилди. Натيجида ўндан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Қисқа вақтда 25 миллион сўмликдан зиёд қурилиш анжомлари тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Экспорт салоҳияти ошмоқда

НАМАНГАН. Вилоятда ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техника жиҳатдан янгилаш борасидаги илгор тадбирлар натижасида ўзининг рақобатбардор маҳсулотлари билан ташқи бозорга чиқарилган корхоналар сони тобора кўпаймоқда.

Буни, жумладан, жорий йилнинг олти ойи мобайнида минтақа тасарруфидаги экспортчи субъектлар сафи 11 тага кўпайиб, 29 тага етганида ҳам кўриш мумкин.

Наманган туманидаги "Замин Туркистон" масъулияти чекланган жамияти ҳам ташқи иқтисодий муносабатларда фаол иштирок эта бошлади. Бу ерда тайёрланаётган эркаклар бежирим кийимларининг асосий қисми эндиликда хорижга чиқарилмоқда. Чеварлар қисқа фурсат ичида ташқи бозорга 21,7 миң АҚШ доллари тенг маҳсулот жўнатишди. Вилоят марказидаги "Люкс плюс сервис" хусусий корхонаси эса қозғоғистонлик ҳамкорлар билан 150 миң АҚШ доллари миқдорда шартнома имзолаб, ярим йилдаёқ тенг 40,6 миң долларга тенг қисмининг уудалашди.

Қ. НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ОҚИЛОНА СИЁСАТ ТАНТАНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг шу йил 18 июнь кунини Бухоро вилоятига сафари чоғида Қирғизистонда рўй берган воқеалар муносабати билан берган баёноти ҳамон жаҳон жамоатчилигининг эътиборида турибди.

Қирғизистон онкология марказининг собиқ раҳбари, табибий фанлари доктори, профессор Рисбек АБДИЛДАЕВ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга йўллаган мактубида бундай деб таъкидлаган:

"Муҳтарам Ислам Абдуганиевич, бугун барча соғлом фикрли кишиларнинг бутун диққат-эътибори Сизга қаратилган. Улар Сизнинг ғоят оғир ва қалтис вазиятда қатъият ва донолик билан оқилонани иш тутганингиздан миннатдордирлар. Сиз амалда қирғизлар ва ўзбекларни, умуман, бутун Марказий Осиё минтақасини катта фожадан сақлаб қолдингиз. Сиз жасорат билан қабиҳ ниятли террорчиларни тизгинлаб, ҳар икки қардош халқ ганимларининг режаларини фош этдингиз ва амалга ошишига йўл қўймадингиз.

Сиз, муҳтарам Президент жаноблари, қирғиз ва ўзбек халқларининг миллий давлатчилигини, мустақиллигини ва келажагини халогатдан қутқариб қолдингиз. Бошқалар эса ўзгача йўл тутди — баъзилар ўзини гўё ҳеч нарса кўрмаганга солган бўлса, айримлар бекиниб олди ёки сафсата-бозилик билан машғул бўлди. Шу фожиали кунларда, ўтган йилнинг ёзида Исикқўл буйида бўлганидек, дабдабали юбилейлар ўтказганлар ҳам бўлди.

Биз, қирғизлар ва ўзбеклар, ўзгалар ва ўзимизникиларнинг сиёсий ва бошқа иддаларининг яна бир бор қурбонига айландик. Муҳтарам Президент жаноблари! Қардош Ўзбекистонга тинчлик-осойишталик

ва фаровонлик тилашга ижозат бергайсиз. Мен ҳам алоҳида ғурур ва ифтихор билан Сизга ва Ўзбекистон халқига самимий миннатдорлик туйғуларини изхор этаётган юртдошларимга қўшилиман".

Араб университетлари иттифоқи Бош котиби Солих ХОШИМ Ўзбекистон раҳбариятининг Қирғизистонда рўй берган воқеаларга оқилон ва вақтинчи билан ёндашганини қайд этди. Солих Хошимнинг фикрича, айнан Ўзбекистон раҳбарининг қатъий позицияси бутун Марказий Осиёда нуфузли ва тартибсизликларнинг ёйилиб кетишига йўл қўймаган мустақам тўсиқ бўлди.

Араб университетлари иттифоқи Бош котибининг фикрича, Қирғизистонда содир этилган сўнги воқеалар айнан Ўзбекистон Республикаси минтақадagi энг нуфузли давлатлардан бири бўлиб, Марказий Осиёда барқарорлик, хавфсизлик ҳамда фаровонликнинг қафолати экани ҳақидаги фикрининг тўрилигини яна бир бор исботлади.

Миср миллий тадқиқот маркази профессори Магдий МУРСИЙ: "Айнан Президент Ислам Каримовнинг оғир-вазмин ва оқилон позицияси туфайли можаронинг кенг ёйилиб кетишига йўл қўйилмади. Қирғизистонда кучли давлат ҳокимиятининг мавжуд эмаслиги ташқи кучларнинг Марказий Осиёда вазиятни издан чиқаришга қаратилган хатти-ҳаракатлари фаоллашуви сабаб бўлди".

(Давоми 2-бетда).

Август ойи — пахта ҳосилига ҳосил қўшадиган ой

Кунини кеча "Халқ сўзи" газетасида эълон қилинган "Август ойи — пахта ҳосилига ҳосил қўшадиган ой" сарлавҳали мақолада таъкидланганидек, айни чоғда мамлакатимиз пахтакорларининг энг масъулияти меҳнат мавсуми бошланди. Нега деганда, яратилажак "оқ олтин" хирмонининг баракасини шу ойда бажарилган тадбирлар белгилаб беради.

ЎЗА ПАРВАРИШИ — МУҲИМ ЖАРАЁН

Буни чуқур ҳис этган сурхондарёлик фермерлар ўза қатор ораларини култивациялаш бўладини, экинни сугоришни ёки ҳосилни зараркунданлардан ҳимоялаш дейсизми, барча агротехника тадбирларини ўз вақтида, сифатли бажариш пайдидан бўлмақдалар.

Очигини айтиш керак, бу йилги об-ҳаво пахтачилик учун қўлай келаяпти. Айниқса, Сурхондарёда баҳор нисбатан эрта бошлангани туфайли мавжуд 4 мингга фермер ҳўжалигида 119 миң 600 гектар хўжалиқдан чигит қадалиб, ниҳоллар тўлиқ ундириб олинди. Сўнгра экин, аввало, тажрибага таянган ҳолда, қолаверса, мутахассисларнинг кўрсатмалари асосида парваришланаётгани туфайли бугунги кунгача ҳар тўртда 10-12 тадан, илгор фермер ҳўжалиқларида эса ўндан ҳам кўпроқ тўқ кўсақ тўпланди. Маса-лан, бизнинг ҳўжалигимизда кўсақлар сони 12-14 тани ташкил этаяпти. Қувонарлиси, ҳосил элементларининг шаклланиши давом этмоқда: шоналар гулларга, гуллар эса кўсақларга айланаяпти. Мутахассисларнинг айтишича, уларнинг бари сентябрь ойида лўппи-лўппи бўлиб очилади.

Чиндан ҳам шундай. Ўтган йилги тажрибамизда бунга ғувоҳ бўлганмиз. Августда сувчио меканизатор, ишчио энтомолог бир ёқадан бош чиқариб, меҳнат қилганимиз туфайли гектар ҳисобига 45 центнердан сифатли пахта хом ашёсини йиғиштириб олганмиз. Жорий йилда эса 109 гектар майдонда бултургидан ҳам зиёдрақ "оқ олтин" етиштириш ниятидагагайрат-шижато кўрсатаёғимиз.

Ҳўш, мўл ҳосил олишининг сирини мадада? Одатда, биз экинни сугоришида "шарбат" усулидан фойдаланамиз. "Шарбат" оқизилган қатор

ораларида нам узок сақланиб, ўзанинг навбатдаги сувга бўлган талаби бир неча кунга узаяди. Ушбу тадбирни изчил амалга ошириш мақсадида жорий мавсум учун керакли миқдорда маҳаллий ўғит жамғариб, ҳар 10 гектар ерга биттадан "ҳосил хандақ"ларини қавлаганимиз айни мўддао бўлди. "Шарбат" сувига қонган ниҳоллар эса, табиики, бараваж ривожланмоқда. Август ойида ҳам экинни шувулда яна бир марта сугормоқчимиз.

Механизаторларимиз Зокир Турсоатов ва Ботир Раҳмоновга балли! Ўлар култиваторларини ўза қатор ораларидан чиқарганлари йўқ. Асосий эътибор ишининг тезлигига эмас, балки унинг сифатига қаратилмоқда. Шу ниятда ҳар бири агрегатининг ишчи қисмларини маҳсул қоплама билан ўраб, тракторни бир маромда бошқармоқда. Бунинг аҳамияти шундаки, култивациядан чиққан ерда тўпроқ элақда элангандек майинлашди, энг муҳими, кўсақ нобуд бўлмади.

Шу билан бирга, вилотимиз иқлимининг нисбатан иссиқлиги ҳосил зараркунданларига қарши курашиш тадбирларини асло сусайтирмалики талаб этмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, далаларда назорат кўчайтирилиб, биологик усул кенг қўлланилмоқда. Натихада Жорий йилда эса 109 гектар майдонда бултургидан ҳам зиёдрақ "оқ олтин" етиштириш ниятидагагайрат-шижато кўрсатаёғимиз.

Ҳўш, мўл ҳосил олишининг сирини мадада? Одатда, биз экинни сугоришида "шарбат" усулидан фойдаланамиз. "Шарбат" оқизилган қатор

МАСЪУЛИЯТЛИ МЕҲНАТ МАВСУМИ

Бугун дунёдаги кўплаб мамлакатларнинг саноат корхоналари ўзбекининг кўнглидай оқ пахтага буюртма беришяпти. Бу юртимиз тўпроғида ўсиб, унинг офтоби тафтида етилган оппоқ толарга жаҳон бозорига талаб тобора ортиб бораётганидан далолатдир. Бунинг сирини битта: у ҳам бўлса, кўришни, сифати ва пишиқлиги эътироф этилаётган пахтаимиз биз, деҳқонларнинг қалб кўрмиши, фидойи меҳнатимиз эвазига яратилаяпти-да.

Хаммага маълумки, ўза — меҳнат талаб ўсимлики. Яъни унинг парваришида нозик жиҳатлар жуда кўп. Айниқса, мазкур экиннинг ҳосил тўплаш даври — август ойида деҳқон сира адашмаслиги керак. Салгина бепарволик йил давомида қилинган меҳнат самарасига пўтур етказиб, қимматга тушиши ҳеч гап эмас.

Айтиш жоизки, Қашқадарё вилоти деҳқонлари бу борада муайян тажрибага эга. Айни пайтда воҳамизда август ойида ўзани парваришлаш бўйича анки-тиқиқ тавсиялар ишлаб чиқилган. Унга кўра, июнь ва июль ойларига бўлгани каби, августнинг дастлабки кунларидан бошлаб ўзага ишлов бериш табақалаштирилган ҳолда амалга оширилмоқда.

Аммо деҳқонлар таъбири билан айтганда, йил йилга ўшамайди. Унинг келишига қараб, ўза парваришида қўлланиладиган агротехника тадбирларини ҳам янгилаб бориш лозим. Бу даврда, аввало, ҳар тўп гул ва тўғунчани сақлаб қолиш учун ўза қатор оралиғига ишлов беришни сира сусайтирмалики зарур. Шундан сўнгра кейин ўсиб чиқадиган бегона ўтлар нобуд бўлади, тўпроқ қатламларида намлик сақланади, ўсимлик илдизига иссиқлик ва ҳаво кўпроқ ўтади. Бу аслида, ўзанинг яши ва бараваж ривожланиши учун энг қўлай муҳитдир.

Ҳозирги кунда вилотимизда мавжуд 5776 та фермер ҳўжалиги аъзолари 160,6 миң гектар майдондаги ўзани парвариш қилмоқдалар. Аникроқ қилиб айтганда, бугунгача 2774 та култиватор ерда-

мида ниҳоллар 6 марта култивацияланди, ўза майдонлари 5 марта чопикдан чиқарилиб, шунча марта бегона ўтлардан тозаланди. Экинни озиклантиришда эса 89 миң тонна азотли, 24,7 миң тонна фосфорли ўғит ишлатилди. Яна 803 миң тонна маҳаллий ўғитдан "шарбат" усулида фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

Тахлилларга кўра, жорий йилги шароитда ўза зараркунданларининг кўпайиши эҳтимоли кузатилмади. Шу боис вилотдаги 84 та биологаторияда 451 миллион дон "Олтинқўз", 771,4 килограмм "Трихограмма", 451 миллион дон "Бракон" ишлаб чиқарилиб, фермерларга шартнома асосида етказиб берилмоқда. Бундан, хусусан, биологаторияларнинг ҳар бирига вилот "Пахтаसानот" бирлашмаси томонидан "Дамас" автомобили ажратилгани кўл келмоқда.

Шу ўринда пахтакор фермерларимизнинг дилидаги бир гапни айтмасам бўлмас. "Республикаимиз галлакорлари бу йил салкам 7 миллион тонна сара дон саранқомлаб, халқимиз олдида яна бир қарра юзларини ёруғ қилдилар. Бундай меҳнат зафари эвазига эса Президентимизнинг табриғига сазовор бўлдилар. Нима, биз, пахтакорлар улардан камимизми? Асло! Шундай экан, биз ҳам ҳар қачонгидан-да кўп пахта етиштирмайми!" дейишмоқда улар.

Айни шу мақсадда пахтакорларимиз ҳозирда "Август ойи — пахта ҳосилига ҳосил қўшадиган ой" эканлигини ҳисобга олиб, барча чора-тадбирларни мўл ва сифатли ҳосил тўплашга қаратмоқдалар.

Фахриддин НОРОВ,
Қашқадарё вилоти қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи.

Бир рақам шарҳи

ЭЛГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ҲИММАТ

Республикаимиз ялли ички маҳсулотига ушбу соҳа улушини қўлайтириш мақсадида амалга оширилаётган тизимли ислохотлар натижасида мазкур бозорнинг барча йўналишларида, хусусан, алоқа ва ахборотлаштириш, молия, савдо ва умумий оватланиш, автомобиллар ҳамда бошқа техникаларни таъмирлашда хизматлар қўламининг кескин ўсиши бунда муҳим аҳамият касб этди.

Шу йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда кўрсатилган хизматлар ҳажмининг ўсиши

10,9
фонзга
етди.

(Давоми 2-бетда).

Маълумки, давлатимиз раҳбари ҳар иккала палата қўша мажлисидаги маърузасида қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини тубдан яхшилаш, шу билан бирга, иқтисодий, сиёсий, гуманитар соҳаларда изчил ислохотларни амалга ошириш учун ҳаётини зарур бўлган қонунларнинг қабул қилинишини тезлаштиришда депутатларнинг фаоллигини ошириш зарурлигини алоҳида қайд этган эдилар. Шу нуқтаи

назардан, ҳозирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ўз фаолиятлари давомида қонунларнинг пишшиқ-пукта тайёрлашига жиддий эътибор қаратмоқдалар. Хусусан, парламент қўши палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзолари қонунларнинг мукамал ва ҳаётини таъминлашда фаол иштирок этмоқдалар. Бу ҳақда мазкур қўмита раиси ўринбосари Ф. РАЖАБОВ бизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

ҲУҚУҚИЙ БАЗА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

— Барчага аёнки, мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан, бунёдкорлик ишлари-га алоҳида эътибор қаратиб келинаётир. Қурилиш соҳасидаги ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётгани натижасида юртимизнинг барча ҳудудларида бунёдкорлик ишлари, яъни таълим масканлари, соғлиқни сақлаш, спорт ва давлолаш муассасалари учун бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Бундай кенг кўламли ишлар 2000 йилда қабул қилинган "Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солиб келинаётгани унинг ҳуқуқий асослари яратилганидан далolat беради.

унда қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг тушунчаси ҳамда жазо чораси белгиланган. Қонунда, шунингдек, режалаштириш ва қурилишнинг бош режалари, лойиҳалар, қурилиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талаблари баён этилган. Бинокорлик материаллари, конструкциялари ҳамда буюмларни ишлаб чиқаришда давлат стандартлари, қурилиш нормалари ва қондалари, техник шартларнинг талаблари ҳамда объектларни қуриш ва уларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган тартибини бузиш қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони этиб белгиланган.

Қонуннинг ижросини тўлиқ амалга ошириш механизмини яратиш мақсадида 2003 йилда Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларга

солинадиган жарималарни ундириш тартиби тўғрисида Низом қабул қилиниб, мазкур ҳуқуқбузарлиқни аниқлаш, қонун ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва

Парламент ҳаёти

қурилиш қўмитаси тизимига юклатилган.

"Давархитектурилиш" қўмитаси тақдим этган маълумотларга қараганда, 2009 йилда ноқонунли қурилган 108 690 та бино ва иншоот аниқланиб, ундан 82 578 таси бартараф этилган, 2401 таси ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган, 23 711 таси бўйича вилоят, туман (шаҳар) ҳокимликларининг ишчи комиссияларига чора кўриш тавсия этилган.

Қурилишларга оид назорат инспекциялари томонидан доимий

назорат текширувлари ҳам ўтказилмоқда. Уларда 12 253 ҳолат бўйича ёзма кўрсатмалар, 363 млн. сўмдан зиёд жарима санкциялари қўлланилган, 5 769 млн. сўмдан зиёд сифатсиз бажарилган ишлар пудратчи ташкилотлар ҳисобидан чегириб ташланган. Ўтказилган текширувларда 3547 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланган.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, ушбу Қонун бугунги кунгача самарали ишлаб келмоқда. Бироқ жамият ривожланган сари, ҳуқуқий муносабатлар ўзгариб боради ва қонунларни такомиллаштириш ёки қайта қўриб чиқиш эҳтиёжи вужудга келади. Шу маънода, ҳозирда ушбу ҳужжатни ҳам маълум даражада такомиллаштириш айна заруратдир.

Бу ҳақда атрофлича тўхталадиган бўлсак, мазкур Қонунда жа-

вобгарлик фақатгина жарима солиш билан амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Маълумки, қурилиш ташкилотлари бугунги кунда турли мулкчилик шакллари-дан иборат, улар қурилиш фаолияти билан шуғулланиш учун махсус рухсатнома — "лицензия" олишади. Шу маънода, жавобгар шахснинг содир этган ҳуқуқбузарлиги учун маълум муддатда лицензияни тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш тўғрисидаги жавобгарлик устида изланиш лозим бўлмаган.

Қонуннинг 9-моддаси жарима солиш тўғрисидаги қарорнинг ижросига бағишланган бўлиб, унда белгиланган муддатда жарима тўланмаса, қандай чоралар кўриш ёки жарима тўлангандан сўнг ҳуқуқбузарлиқни яна давом эттириш, қандай жазо турлари қўлланиш масалалари очик қолмоқда.

Яна бир долзарб масала. Ноқонунли қурилган биноларни бузиб ташлаш ҳолатлари мавжуд. Хўш, ушбу иморатлар ҳуқуқбузар шахслар маблағи ҳисобидан бузиладими? Агарда ҳуқуқбузар ради ва қонунларни такомиллаштириш ёки қайта қўриб чиқиш эҳтиёжи вужудга келади. Шу маънода, ҳозирда ушбу ҳужжатни ҳам маълум даражада такомиллаштириш айна заруратдир.

Бу ҳақда атрофлича тўхталадиган бўлсак, мазкур Қонунда жа-

ОҚИЛОНА СИЁСАТ ТАНТАНАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Куала-Лумпур университетининг Метрополи-тен коллежи президенти Дато ИДРИС (Малайзия):

"Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Қирғизистонда рўй берган воқеалар бўйича берган аниқ ва асосли баёноти Қирғизистондаги вазиятга ижобий таъсир кўрсатди, кескинликни юмшатиш ва минтақадаги вазиятни барқарорлаштиришда муҳим омил бўлди.

Бу Ўзбекистоннинг қўшни мамлакатлар билан ўзаро ишонч ва дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш тарафдори эканидан, Ўзбекистон Президентининг Қирғизистондаги воқеалар сабабларини тегиз равишда далолатлади. Бу вазиятда Ўзбекистон Президентининг энг юксак таҳсинларга сазовор доно ва узоқни кўра билладиган сиёсатчи экани яна бир бор намойён бўлди.

Малайзиянинг Ўзбекистон Республикасидаги собиқ элчиси Редзуан КУШАЙРИЙ:

"Миллатлараро муаммоларни ҳал этиш эҳтиросларни жиловлаб, эҳтиёткорлик ва вақтинлик билан иш тутишни талаб қилади. Бундай муаммонинг барча жиҳатлари ҳисобга олинмасдан қабул қилинган қарорлар кескинликни янада кучайтириши, давлатлараро муносабатларга ва минтақавий хавфсизликни таъминлашга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Қирғизистонда содир этилган воқеалар муносабати билан ўз вақтида берган ҳар томонлама асосли баёноти Қирғизистондаги кескинликни юмшатишга бевосита таъсир кўрсатди, Марказий Осиёда вазиятни барқарорлаштиришда муҳим омил бўлди. Ўзбекистон Президенти вазиятга тўғри баҳо берди ва бу воқеаларда Ўзбекистон ҳам, қирғизлар ҳам айбдор эмаслигини, балки бу

минтақадаги вазиятни издан чиқаришдан манфаатдор бўлган қабих ниятли учинчи кучларнинг кирдикори эканини таъкидлади".

Халқаро рассомлар уюшмалари конфедерацияси Ижроия қўмитаси раиси Масут ФАТУЛИН (Россия):

"Қирғизистон жанубида рўй берган фожиали воқеалар барчани қаттиқ ларзага солди.

Ўзбекистон раҳбариятининг қарори билан ўн минглаб қирғизистонлик қочқинларнинг Ўзбекистон ҳудудида қабул қилиниб, жойлаштирилгани — юзага келган вазиятдаги ягона тўғри қарор бўлди.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Қирғизистонда содир этилган воқеалар муносабати билан билдирган аниқ-равшан фикрлари гоё тўғри ва асослидир. Ўзбекистон раҳбарининг "Ўзбек ҳам, қирғиз ҳам бунга айбдор эмас. Бу четдан туриб уюштирилган, бошқарилган кўпорувчилик ҳаракатидир. Бу кўпорувчиликни уюштирган кучларнинг нияти Ўзбекистонни ҳам бу қарама-қаршиликка тортишдан иборат бўлган", деган сўзлари мулақо тўғридир.

Ўзбекистон Президентининг "бугунги кунда ўзининг кадр-қиммати, ғурур ва ифтихорини сақлаб, ўз кучи ва қудратига ишонган, ўз меҳнати ва ақл-заковати билан ўз келажагини қуриш, ўз юртини ҳимоя қилишга қодир бўлган давлат ва жамиятига дунё аҳли тан олади ва ҳурмат қилади. Ўз кучига ишонган, келажаги буюк халқнинг бағри кенг бўлади. Халқимиз доимо бошқаларга бағрини очиб, ҳамдард бўлиб келган", деган сўзлари унинг донолиги ва узоқни кўра билишидан далolatдир.

Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасидаги энг барқарор давлат бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Қирғизистон жанубида рўй берган фожиали воқеалар буни яна бир бор тасдиқлади".

«Жаҳон» АА.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Тадбирдан қўзланган асосий мақсад ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) ривожлантириш, хусусан, ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда, турли хизматларни шакллантириш ҳамда давлат бошқарувида жорий этиш бўйича Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида ҳамкорликни кенгайтиришдан иборат.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори Х. Муҳиддинов Президент Ислам Каримов томонидан белгиланган берилган АКТ соҳасидаги

Ҳамкорлик кўлами кенгаймоқда

давлат сиёсатининг асосий принциплари мамлакатимизда жaxon ахборот маконида интеграциялаш бораётиб қилинаётганини жамиятимиз ҳаётининг барча баҳаларидан кенг қўллашни кўзда тутишни таъкидлади.

Бугун Ўзбекистонда ахборот технологиялари давлат бошқарувида фаол жорий қилинмоқда. Бу борадаги ишларни янада ривожлантириш ва модернизация қилиш мақсадида қўшимча модулга эга янги ҳукумат портали ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди. Компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда, давлат статистика ҳисоботларининг электрон шакллари жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Корхона ва ташкилотларда электрон рақамли имзо қўлланадиган электрон ҳужжат айланиши тизими татбиқ этилаётди.

Семинарда сўзга чиққан NIPA ижрочи директори Жун Ен Ким "Электрон ҳукумат" ва "Корея Республикасининг халқаро ҳамкорлик дастури"ни тақдим этди.

Тадбир катнашчилари иқтисодийнинг турли баҳалари ва иқтисодий соҳага, шу жумладан, банк, соғлиқни сақлаш, ижтимоий инфратузилмани, электрон почта хизматларини бошқариш соҳасига ахборот технологияларини татбиқ этиш бўйича Жанубий Корея тажрибаси билан танишдилар.

В. НИКОЛАЕВ, ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

Унда жорий йилнинг олтинчи якули муҳокама қилиниб, 2010 йилда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш дастурининг устувор йўналишлари амалга оширилиши, шунингдек, монополияга қарши тартибга солиш, рақобат муҳитини ривожлантириш ва нархларнинг асоссиз равишда ошишига йўл қўймаслик масалалари кўриб чиқилди.

Таъкидландики, ўтган даврда иқтисодий тармоқларнинг модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан жиҳозлаш бораётиб муайян ишлар амалга оширилди. Бунда Президентимизнинг 2010 йил 26 февралдаги Фармони ҳамда Инқирозга қарши чоралар дастури ижроси юзасидан қўрилган чора-тадбирлар ўз самарасини берди.

Таркибий ўзгариш ва молиявий соғломлаштириш бўйича қўрилган тадбирлар натижасида 601 корхонанинг иқтисодий аҳволи яхшиланиб, 121 корхонада ойлик ишлаб чиқариш ҳажми 2 баробарга кўпайди. Фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш қувватлари негизда ташкил этилган 26 та корхонанинг 23 тасида 5,2 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Натижада 1,7 минг нафар киши иш билан таъминланди.

Иқтисодий ночор 72 та корхонага банкротлик тартиботи қўлланилди. Айни пайтда уларнинг 20 таси ўз тўлов қобилиятини тиклаган бўлса, 43 тасида туғатиш ишлари бошланган, 9 та корхонада эса қузув тартиботи жорий этилган. Бундан ташқари, монополияга қарши ва табиий монопо-

лиялар тўғрисидаги қонунчиликлар талабларига риоя этилишини назорат қилиш мақсадида ўтказилган текширувлар натижасида истеъмолчиларга 609,9 миллион сўм қайтарилди, 6,6 миллиард сўмлик маблағ бюджет ҳисобига ундирилди. Йўл қўйилган қонунбузарлик юзасидан жами 295 та иш қўзғатилиб, улар бўйича 270 та ёзма кўрсатма берилди.

Биржа савдоларида мажбурий тарзда қўйилган қувватлари фойдаланишга топширилди. Бу эса, ўз навбатида, ички бозорни рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдириш имконини бераётди.

Жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимлик органлари томонидан қабул қилинган 126 мингдан ортиқ қарор ва фармойишлар, 41,5 мингта ёзма кўрсатма хатловдан ўтказилганида, 161 ҳолатда қонунчилик талаблари бузилгани аниқланди.

Ҳисобот даврида, шунингдек, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан ўтказилган 2710 дан зиёд мониторинглар натижасида 1111 ҳолатда қонунбузарлик кузатилди. Истеъмолчилар томонидан қўрилган 316,9 миллион сўмлик зарарнинг 192,3 миллион сўми улар фойдасига қайта ҳисоб қилинди.

Тадбирда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил биринчи ярим йилгида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якулига бағишланган йиғилишидан келиб чиққан ҳолда, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар белгилаб олинди.

Қўмита матбуот хизмати.

Бунёдкорлик ва фаровонлик

Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар аҳоли турмушини янада яхшилашга хизмат қилаётди.



Юртимизнинг барча ҳудудларида олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари қурилиш материалларига бўлган талабни тобора оширмоқда.

Шу боис мазкур соҳага ихтисослаштирилган корхоналар модернизация қилиниб, янги ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди. Бу эса, ўз навбатида, ички бозорни рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдириш имконини бераётди.

Жумладан, Шаҳрихон туманидаги "Тугмача" кичик корхонасига салкам 50 миллион сўмлик замонавий технология келтирилиб ўрнатилган, бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми икки баробарга орди.

Ҳозирда мазкур корхонада ойига ўртача 15 миллион сўмлик, жами тўрт минг квадрат метрдан зиёд деворбоп пластик қопламалар тайёрланиб, қурилиш ташкилотларига етказиб берилаётди.

Корхона жамоаси кел-

гусида маҳсулот турини янада кўпайтириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: корхона ишчиси Нурвали НУЪМОНОВ.

Шухрат ОЛИМОВ (ЎЗА) олган сурат.

Мамлакатимизнинг Бельгиядаги элчихонасида Ўзбекистонда болалар меҳнатидан фойдаланилишини тақиқлаш чора-тадбирларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Унда Бельгиянинг сиёсий ва ижтимоий доиралари ҳамда Европа Иттифоқи, НАТО ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

КЕЛАЖАККА САРМОЯ

Иштирокчиларга мамлакатда болалар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар, болалар меҳнатини тақиқловчи қонунчилик ҳужжатлари, Ўзбекистоннинг БМТ ва унинг тузилмалари, Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) каби халқаро ҳамжамиятлар билан яқин ҳамкорлиги ҳақида маълумот берилди. Ўзбекистон БМТнинг болалар меҳнати, болалар мажбурий меҳнатининг исталган шакли ва кўринишларини тақиқлаш ташкилоти асосий конвенцияларини ратификация қилгани айтиб ўтилди.

Хусусан, бу борада вазирлик ва идоралар ҳамда жойлардаги давлат ҳокимияти органлари фаолиятини муво-

фиқлаштириш, уларнинг халқаро ташкилотлар билан ўзаро алоқасини фаоллаштириш мақсадида, Ўзбекистонда ЮНИСЕФ, БМТ Тараққиёт дастури, ХМТ томонидан қўллаб-қувватланган, нафақат давлат органлари, балки нодавлат ташкилотларнинг кенг иштирокида Миллий ҳаракат дастури ишлаб чиқилган.

Ўзбекистонда ўтказилаётган ижтимоий йўналтирилган бозор ислохотлари, Соғлом авлод, Оналар ва болалар, Оила, Сихат-саломатлик, Ижтимоий ҳимоя, Ёшлар, Баркамол авлод йили каби кенг кўламли давлат ижтимоий дастурларининг амалга оширилиши доирасида болаларнинг ижтимоий ва иқтисо-

дий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳар томонлама баркамол воғга етишларини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилгани таъкидланди.

Жараён

Мамлакатда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хусусан, Оилани, Аналик ва болаликни ҳимоя қилиш мажмуи, Воғга етмаганлар ишлари бўйича махсус комиссия, шунингдек, Ўзбекистоннинг ҳар бир туманида фаолият олиб боровчи давлатга қарашли меҳнат ҳуқуқи инспекциялари ва меҳнат ҳимояси инспекциялари сингари болалар ҳуқуқларини муҳофазалашга хизмат қилувчи яратилган

дан зарар кўрганларга ҳар томонлама қўмақ бериш каби бевосита инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига тегишли 10 дан зиёд қонун қабул қилингани айтиб ўтилди.

Ушбу йўналишда ўтказилган тадбирлар ва унда намойиш этилган маълумотлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Хусусан, мустақил журналист Н. Сокольников мазкур тадбир Ўзбекистонда ке-

чаётган жараёнларни теранроқ англашда амалий аҳами таъминлашни кучайтиришга йўналтирилган, одам савдосидан огоҳлантириш ва унга барҳам бериш миллий тизимини шакллантириш, одам савдоси-

дан зарар кўрганларга ҳар томонлама қўмақ бериш каби бевосита инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига тегишли 10 дан зиёд қонун қабул қилингани айтиб ўтилди.

Ушбу йўналишда ўтказилган тадбирлар ва унда намойиш этилган маълумотлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Хусусан, мустақил журналист Н. Сокольников мазкур тадбир Ўзбекистонда ке-

чаётган жараёнларни теранроқ англашда амалий аҳами таъминлашни кучайтиришга йўналтирилган, одам савдосидан огоҳлантириш ва унга барҳам бериш миллий тизимини шакллантириш, одам савдоси-

Ширинликлар эл дастурхонига

Чортоқ туманидаги Ойқирон қишлоғида фаолият бослаган "Чортоқ Мунира ширинликлари" масъулияти чекланган жамиятида қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Лойихани рўёбга чиқариш учун маҳаллий тадбиркор Хамидулло Абдуллаев 70 миллион сўмлик миқдорда сармоя киритгандан сўнг йилига 192 тонна маҳсулот тайёрлаш имконияти юзга келди. Айни чоғда бу ерда қишлоқ ёшларидан 12 нафар меҳнат қилаётди. Улар томонидан ўтган ойнинг ўзида 200 миллион сўмликка яқин ширинликлар ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга жўнатилди.

Н. ҚУДРАТОВ.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2010 йил 3 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисобларни юритиши, шунингдек, боғсиз ва бошқа мажбурий пулларни учун ҳарқий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйиладиган қийматини белгилади.*

1 Австрали доллар	1461,80
1 Англия фунт стерлинги	2527,48
1 Дания кронаси	282,42
1 БАА дирхам	437,71
1 АКШ доллари	1607,61
1 Миср фунти	282,33
1 Исландия кронаси	13,47
1 Канада доллари	1566,72
1 Ҳавой юани	237,37
1 Малайзия ринггити	508,58
1 Поляша злотивиси	525,35
1 СДР	2441,19
1 Туркия лираси	1070,53
1 Швейцария франки	1546,22
1 ЕВРО	2089,54
10 Жанубий Корея вони	13,71
10 Япония иенаси	185,89
1 Россия рубли	53,26
1 Украина гривнаси	203,67

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

«Жаҳон» АА, Брюссель

ИСТИҚЛОЛ ТАРАННУМИ

Фаргона вилояти ўлкашунослик музейида "Мустақилликнинг оидин йўлидан" деб номланган кўргазма бўлиб ўтмоқда. Рамзий маънода бир неча бўлимлардан иборат кўргазма мамлакатимизнинг бепоян харитаси чизилари остида мустақиллик йилларида таъсис этилган орденлар, юртимизнинг рамзлари бўлган байроқ ва гербнинг тасвирида янада маҳабатли кўриниши.

"Мустақиллик", "Соғлом авлод учун", "Дўстлик" орденлари, "Жасорат", "Шуҳрат" медаллари нафақат кўркамлиги, балки ранг-баранг жилolari билан эътиборни тортади. Бу ерда мамлакатимизнинг илк почта маркалари ҳам мароқ билан томоша қилинган. Айниқса, кўргазманинг вилоятда мустақиллик йилларида бўлиб ўтган унутилмас, тарихий воқеалар бўлими таъриф буюрувчиларни бефарқ қолдирмайди. Буюк аллома Аҳмад Фаронийнинг 1200, Бурхониддин Марғиновичнинг 910 ҳамда Марғиловичнинг 2000 йиллиги шарафига ўтказилган тантаалар таъсирланган фотолар аҳамиятлидир.

Кўпчилигининг эътиборини вилоятнинг қишлоқ ҳўжалиги, саноят, ижтимоий-маърифий соҳаларда эришган ютуқларидан ҳўжа қилувчи лавҳалар тортини, шўхасиз, Фермерликни, саноятни ривожлантириш йўлмайди, босқичма-босқич лавҳаларда кўрсатиб берилган. Айниқса, шу соҳа фидойилари, ўзбекистон Қарамонлари Комилжон Мамажонов, Юрсинали Жўраевичнинг эришган ютуқларини бу ерда таъриф буюраётган ёшлар

Кўргазма

ларни кўриб, юртимиз саноятининг истиқболи порлоқ эканлигига яна бир қарра ишонч ҳўсил қиласан, киши. Шунингдек, кўргазмада вилоятнинг спорт, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият, халқ хўнамандчилиги соҳаларида эришган ютуқлари ҳам йирик панноларда ўз ифодасини топган. Айниқса, сўнгги йилларда бунёд этилган бири-бирдан кўркам коллеж ва мактаблар, маҳалла марказлари истиқбол берган имкониятлардан ҳўжа қилади.

Қисқача айтганда, мазкур кўргазма мустақилликимизнинг 19 йиллиги олдидан томошабинлар учун ажойиб тўхфа бўлди.

Набижон СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

ЭЪТИБОР, ҒАМХЎРЛИК ВА БАРКАМОЛЛИК

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ташкил этилган мактаб бозорлари ҳаммага манзур бўлмоқда.

(Давоми. Бош 1-бетда.)
Халқ таълими вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, ҳўзирга қадар республикаимиздаги 1300 га яқин мактаб қошида шундай ямаркарлар фаолияти йўлга қўйилган. Уларнинг асосий қисми мактабларда, лицей ва коллежлар қўшида, аҳли гавжум жойларда ташкил этилгани кўпчиликка манзур бўлаётган.

— Мазкур ямаркарлар туфайли, аввало, аҳолига қўлайлик яратиш кўзда тутилган, — дейди Тошкент шаҳар халқ таълими бош бўшқармаси бўлим бошлиғи Шўкур Бурхонов. — Масалан, айни кўнда йирик тижорат нуқталари, бозорларга яқин ҳудудда яшовчи аҳоли ана шу савдо масканларида ташкил этилган мактаб ямаркарлари хизматидан фўйдаланишлари мўмкин. Шу мақсадда пойтахтдаги бозорлар ҳудудда ҳам шундай ямаркарлар фаолияти йўлга қўйилган.

Пойтахтимиизнинг Миробуд туманида жойлашган 94-умумтаълим мактаби Тошкентда илгор таълим масканларида бири саналади. 2010 — 2011 йилдан бош-



манд бўлишяпти, — дейди 94-умумтаълим мактаби директори Азиза Лўқмонова. — Эътиборлиси, бу ердан ўқувчиларни мактаб товарларининг барча турларини топиш мўмкин. Бинобарин, бундай қўлайлик туфайли ўқувчи ёшларининг ҳам, отаналарнинг ҳам ўзоғи яқин бўлмоқда. Мўхими, махсуслотлар сифати ва нархи барчага манзур.

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.



Инсон туғилганидан бошлаб кўшиққа ҳамроҳ бўлади. Бу туйғу унинг вужудига она алласи орқали сингади. Музиқлада, кўй-кўшиқда илоҳий куч бор. Шунинг учун ҳам унга ошно тутинган қалб яхшиликларга эш бўлади.

СОЗ ИЛА СУЎБАТ ЗАВҚИ

лар, фольклор, эстрада ва тасвирий санъат йўналишларида 140 нафар йигит-қиз музиқа сирларини ўрганмоқда. Шу кўнгача 400 нафарга яқин музиқага шайдо кўнгиллар мазкур даргоҳни битказдилар. Эътиборлиси, ўтган йиллар мобайнида музиқа ва санъат мактаби ёшлари мамлакатимиз миқёсида бўлиб ўтган кўплаб танловларда муносиб иштирок этиб, фаҳрли ўринлар, юксак эътирофларга сазовор бўлишди. Мактабнинг фольклор бўлимида ўқиган, айни пайтда Нукус маданият ва санъат коллежида таҳсил олаётган, Зуфия номидаги давлат мукофоти сов-

Қораўзақ туманидаги Жиян жиrow номли 16-сонли болалар музиқа ва санъат мактаби ўз фаолиятини бундан салкам ўттиз йил муқаддам бошлаган эди. Дастлаб икки хонали бинада иш бошлаган ушбу мактаб бора-бора кенгайди, жами синфлар сони 18 тага етди. Ҳўзирги кўнда фортепяно, халқ соз-

да ўтказилган ёш пианиночилар халқаро танловида ўқувчимиз А. Отегенов мувафқиятли қатнашди. 2007 йили мактабимизнинг болалар хор жамоаси мамлакатимиз маҳсулотининг маҳорат билан ижро этиш бўйича Республикада 1-ўринни эгаллади. 2008 йилда Нукусда бўлиб ўтган ёш бахши ва созандалар танловида мактабимиз ёшлари иккита 2-ўрин, иккита 3-ўрин соҳиби бўлишди. Буларнинг бари, аввало, юртимизда мустақиллик йил-

ларида ёшлар таълим-тарбиясига юксак эътибор қаратилаётгани, уларга барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилаётгани самараси эканлигини таъкидлаш ўринлидир.

Айниқса, Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги "Болалар музиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мўстаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори бу борадаги ғамхўрликнинг яна бир намунаси бўлди. Унга кўра, музиқа ва санъат мактабимизни янги-дан, замонавий, барча қўлайликлар яратилган тарзда қуриб

Қарор ва ижро

битказиш мақсадида 2010 йил дастурига киритилди. Айни пайтда туманимизнинг баҳаво жойларидан бирида 180 ўринлик янги музиқа мактаби қурилиши тез сўратда олиб борилаяпти. Бундай эътибор ва ғамхўрлик учун Юртимиздан чексиз миннатдоримиз.

Қорақалпоғистон Республикасида жами 21 болалар музиқа ва санъат мактаби фаолият олиб бормоқда. Юқоридаги қарорга кўра, шундан 6 та мактабни қайта таъмирлаш, 12 та мактабни эса янгидан қуриш дастурига киритилди. 2010 йилда 2 та мактаб янгидан қурилиб, 2 тасида реконструкция ишлари амалга оширилмоқда. Бу ишлар Мустақиллик байрамига тугалланади. Жорий йил республикадаги музиқа ва санъат мактабларини битказган 259 нафар ўғил-қиз таҳсилни келгусида олий ўқув юртларида давом эттириш мақсадида имтиҳон топширишди.

Буларнинг барчаси юртимизда ёшларга қаратилаётган беқиёс ғамхўрликнинг биргина жиҳати, ҳолос.

Қувайт ОТЕГЕНОВ,
Қораўзақ туманидаги Жиян жиrow номли болалар музиқа ва санъат мактаби директори,
«Эл-юрт хўрмати» ордени соҳиби.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

Кортда ҳамюртларимиз

Мамлакатимизнинг биринчи рақамли ракетка устаси Денис Истомин Вашингтон шаҳрида бўлиб ўтаётган "Legg Mason Tennis Classic" халқаро турнирининг иккинчи босқичига йўл олди.

У аргентиналик моҳир ракиби Леонардо Майерни уч сет ҳисоби (6/4, 5/7, 7/6)га кўра, мағлубиятга учратди. Энди Денис дунё рейтингидо кучли йигирматаликдан жой олган хорватиялик таикли спортчи Марин Чиличга қарши кортга тушади. Айтиш жоизки, яна бир теннисчими Альбина Хабибулина Қозғистонда ташкил этилган халқаро турнирнинг жуфтлик баҳсларида киргизистонлик Сения Палкина билан биргаликда голибликни кўлга киритди. Улар финалда англиялик Эмили Уэбли-Смит ва украиналик Юлия Бегельсмор дуэти устидан 6/4, 6/4 ҳисобида зафар кўчдилар.

Тажриба мактаби

Спортнинг барча турлари қатори таэквондода ҳам тажриба алмашиш, ўзаро ҳамкорлик қилишнинг аҳамияти катта.

Таэквондо оламида ном қозонган мутахассис Ли Жо Хо мурабийлигидаги Корея Республикаси тарма жамоасининг яқинда пойтахтимиизда бўлиб ўтган кўргазмали намойиши ҳам ана шу мақсадга хизмат қилди. Ўзбекистон Таэквондо ассоциацияси томонидан ташкил этилган мазкур тадбир иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Меҳмонлар ҳам Ўзбекистонда спорт, хўсуан, Шарқ яккакурашлари жадаллик билан ривожланиб бораётганини эътироф этдилар. — Бугун дунёнинг 203 давлатида таэквондо ассоциациялари фаолият юритади, — дейди Ли Жо Хо. — Уларнинг орасида Ўзбекистон Таэквондо ассоциациясининг ҳам ўзига яраша нуфузи бор. Айниқса, мамлакатимизнинг Шарқ яккакурашчиларининг дунё ареналарида кўлга киритаятган ютуқлари таҳсинга лойиқ. Бу Ўзбекистонда спортга берилаётган юксак даражадаги эътибор самараларидир.

Санджон МАХСУМОВ
тайёрлади.

Сурхондарё вилоятидаги футбол бўйича 4 та давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатида 700 нафардан зиёд иқтидорли болалар тарбияланмоқда. Қиш ўз ям-яшил сақланадиган стадионлар, замонавий жиҳозланган синфхоналар, малакали мурабийларнинг меҳнати, бугунги кун талабига мос дам олиш шароитлари уларнинг ҳар жиҳатдан қамол топиши учун йўналтирилган.

СУРХОНДАРЁДА ҲАМ ФУТБОЛНИ ҚАДРЛАШАДИ

Кўмқўрган туманидаги 3-футбол мактаб-интернати-нинг фаолият юритаётганига ўн бир йил тўлди. 2004 йили Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жағмармаси маблағи ва туман ҳокимлиги ҳўимйлигида мазкур таълим маскани учун 158 миллион сўмга 1-ТИП спорт мажмуаси қуриб берилган. "Оқсой" қишлоқ фўкарлар йигини ҳудудида барпо этилган мўъжаз мажмуанинг 4 та катта ва кичик футбол майдони (360 ўриндикли), юғириш йўлакчалари жиъибаси билан киши эътиборини ўзига тортади.



ўқиётганлар футболнинг руҳи, шавқи билан яшайдилар. Футбол шўнчаки коптокнинг изидан юғириш, чоғиш эмас. Бу мардлиқ, мушоҳадисиз, изланиш, синовларда тобланиш, топқирлик сабоғи. Мактаб жамоаси шу сабоқнинг тўлақонли, мукамал бўлишини назарга олиб шайлайди. Ишига ота-оналарнинг, маҳалла-қўйнинг ҳамкорлигини ўйғунаштиришга ҳаракат қилади.

— Бола тарбиясида спортнинг ўрни беқиёс деб бежиз айтишмаган экан, — дейди Элбек исмли ўқувчининг отаси Элмурод Болтаев. — Қаранг, ўғлим шу мактабга келиб, ҳамма фанлардан

дир. 2010 йил — Баркамол авлод йили муносабати билан бу ерда ўнлаб турдаги халқ ўйинлари беллашувлари ўтказилди. Марашон уюштирилди. Хотира турнирлари ташкил этилди. Биз мактабнинг 7-синфчилари ҳам яқин келажақта, албатта, дунё биринчилигида қатнашишни, тарма жамоа таркибида сурхондарёлик футболчилар ҳам бўлишини қомил ишонч билан гапирди.

Термиз футбол мактаб-интернатиининг ҳам тизим даргоҳлари ўртасида ўз ўрни-мавқеи бор. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жағмармаси маблағлари ҳисобидан мактабга янги спорт зали қуриб берилди, иншоотлари капитал реконструкциядан чиқарилди.

— Кўшимча спорт ва ўқув жиҳозлари келтирилса, таъминотдаги муаммоларимиз қолмайди, — дейди мактаб директори Жуманазар Хайдаров. — Мактабимизни бириб кетганлар билан бирдик-келдими узилмаган. Учрашувлар, суҳбатлар ўтказилади. Бу, табиийки, кейинги авлоднинг шаклланишига, кўтлуг оруз-умидларнинг рўёбга чиқишига, вилоятимиизда футболни ривожлантиришга хизмат қилади.

Дарвоқе, футболни замон талабларига мослаб ривожлантириш хўсусида гап кетганда, вилоятда мамлакатимиз олий лигасида мўжум ва мувафқиятли иштирок эта оладиган жамоа қанчон шаклланади (ёки шакллантирилади) деган мунозара такрор ва такрор ўртага ташланади. Иқтидорли ўйинчилар бисёр. Президентимизнинг алоҳида ғамхўрлиги билан нафақат ихтисослаштирилган футбол мактаб-интернатлари, балки бошқа жамоаларда ҳам шарт-шароитлар яратилган. Мурабийлар ҳар томонлама қўлаб-қувавтанмоқда. Гап яратиб берилган ана шу имкониятларга муносиб жавоб қайтаришда.

О. УСАНОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«HYUNDAI MOTOR COMPANY»нинг Ўзбекистон Республикасидаги расмий дистрибьютори «DONGNAM UZ MOTORS CO., LTD» мамлакат минтақаларида дилерлик тармоқларини ривожлантириш мақсадида барча қизиқиш билдирган шахслар ва ташкилотларни ҳамкорлик қилишга таклиф этади.

Ҳамкорлик қилиш соҳаси «HYUNDAI» русумли янги енгил автомобилларни сотиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича дилерлик келишувини тузиш.

Номзодларга қўйиладиган асосий талаблар:

- камида 150 м² бўлган ўз сервис-маркази ва автосалонига эга бўлиш;
- корхонани ривожлантириш бўйича ўз бизнес-режасини тақдим этиши лозим.

Барча саволлар бўйича Тошкентдаги қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мўмкин:
(+99871) 250-11-11, (+99890) 185-63-30, (+99898) 301-31-70.
www.hyundai.com.uz e-mail: hyundai-motors@mail.ru

ОБ-ҲАВО (4 август)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгайиб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Кечаси 20-25, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёгингарчилик қутилмайди. Ҳарорат тунда 20-25, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгайиб туради, ёгингарчилик қутилмайди. Кечаси 17-22, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилояти. Ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 17-22, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгайиб туради, ёгингарчилик қутилмайди. Кечаси 20-25, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ёгингарчилик қутилмайди. Тунда 17-22, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 18-20, кундузи 34-36 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгиромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ҳўтқир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 703. 41762 нўسخада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Дирекция 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Ўзгонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Тахририятга келган қўбемалар таъриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайдди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материал

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ҲўА яқуни — 20.30 Топширилди — 21.15

МАЎЗИЛИМИЗ: 100000, ТСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи котиб — Ф. Бўтаев. Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва. Навбатчи — О. Файзиёв. Мусаҳҳўх — С. Иломов.

1 2 4 5